

## ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАДБИРКОР УНИВЕРСИТЕТЛАР БОРАСИДАГИ ИЛМИЙ НАЗАРИЯЛАР ВА КОНЦЕПЦИЯЛАР

Ш.А.Раҳматов

*PhD, доцент, Бухоро давлат техника университети*

**Аннотацияю.** Мақолада инноватив фаолиятга йўналтирилган тадбиркор университетларининг аҳамияти ва уларнинг илмий назарий асослари ҳақидаги тушиунчалар таҳлил қилинади. Университетлар, жаҳон иқтисодиёти ва технологияларининг тез орада ўзгараётган шароитида, илмий ва тадқиқот фаолиятини самарали ташкил қилиш, янги инновацион маҳсулотлар яратиш ва жамиятнинг эҳтиёжларига мослашии орқали ўз позицияларини мустаҳкамламоқда. Маколада университетларнинг тадбиркорлик қобилияtlарини ривожлантиришга қаратилган концепциялар ва назариялар, шунингдек, уларнинг фан ва ишлаб чиқариши орасидаги алоқаларни кучайтиришдаги ўрни қўриб чиқиласди. Инноватив фаолиятга йўналтирилган университетлар муваффақиятли ривожланиши учун янги иш моделълари ва ижтимоий-иқтисодий талабларга мослашии механизmlарини ишлаб чиқишида муҳим аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** инноватив фаолият, тадбиркор университетлар, илмий назариялар, инновацион концепциялар, университет ва тадбиркорлик, фан ва ишлаб чиқариши, ижтимоий-иқтисодий талаблар, таълим ва инновациялар, ривожланиши стратегиялари, университетларнинг ривожи.

Инновацион фаолиятни амалга оширишга йўналтирилган тадбиркор ОТМларнинг илмий парадигмасини шакллантиришга оид илмий ғоялар ва қарашлар, бизга қуйидаги тенденцияларни ажратиб кўрсатиш имконини беради:

- XX аср охири - XXI аср бошларида билимларни яратиш, тўплаш, сақлаш, узатиш ва жамиятда тарқатиш борасидаги олий таълим муассасаларининг вазифалари долзарб ҳисобланади;
- иқтисодиёт рақобатбардошлигининг асосий омиллари сифатида илмий-тадқиқот соҳаси иштирокида илм сифимли ва юқори технологияли

маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш орқали шаклланадиган илм сиғимли ва юқори технологиялар тан олинган;

- тадбиркор университетлар ижтимоий-иктисодий тизимларда интеграцион ҳамкорлик ва инновацион фаолиятни амалга ошириш орқали иктисодиёт рақобатдошлигини оширишгни таъминлашда салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Тадбиркор университет назариясининг назарий - методологик асослари Д. Уильямс, Г.Ицковиц, Л. Лейцдорф, Д. Салми томонидан шакллантирилган. Тадбиркор университет (ОТМ)нинг илмий парадигмаси бой назарий манбаларга эга бўлиб, уларнинг диққат марказида инновациялар натижаларини тижоратлаштириш ва яратилган билим ва технологияларнинг самарали узатилишини шакллантириш масалалари ётади. Тадбиркор университет (ОТМ) илмий парадигмаси генезисига таъсир кўрсатувчи тизимилаштирилган асосий илмий назариялар ва концепцияларнинг баъзаларига тўхталиб ўтамиз.

Иктисодий конъюнктуранинг йирик циклари назарияси (1920-йиллар Кондратиев Н.Д.) асосий ғояси:

- Илмий - технологик янгиликлар иктисодиёт тузилмасини қайта куришнинг муҳим омили.

Инновацион ривожланиш назарияси (1930-йиллар); Шумпетер Ж.А. асосий ғояси:

Иктисодий ривожланишнинг локомотиви динамик жараёндаги инновациялар ҳисобланади. Унда янги технологиялар эскиларини алмаштиради ва бу жараён "ижодий вайрон" деб аталади. Жамиятнинг иктисодий ривожланишининг моҳияти пировардида меҳнат унумдорлиги ва умумий фаровонликнинг ўсишини таъминлайдиган новатор тадбиркорлар томонидан инновацияларни амалга ошириш жараёни билан аниқланади.

Билимлар иктисодиёти назарияси (1960-йиллар) Друкер П.; Махлуп Ф.; Макаров В.Л., Клейнер Г.Б. асосий ғояси:

Назарияда иктисодий ўсиш ва ривожланишнинг асосий омиллари номоддий: билим, инсон капитали, деб тан олинган.

Кластерларни ривожлантириш ва минтақалараро рақобат назарияси (1990йиллар) Порттер М.; Энрайт М.; Кук Ф. асосий ғояси:

Ушбу иктисодий назарияда "кластер" атамаси муомалага киритилган бўлиб, у "маълум бир соҳада бирлашган ва бир-бирини ўзаро тўлдирадиган умумий

фаолият билан шуғулланадиган жуғрофий жиҳатдан қўшни бўлган компаниялар ва уларга тегишли ташкилотлар гурухи" деб таърифланади. Иқтисодий тизим рақобатбардошлигини оширишнинг кластерга асосланган усули асослаб берилган.

Технологик тизимлар ва инновацион тараққиёт концепцияси (1980-йиллар) Глазьев С.Ю.; Перез К.; Яковец Ю.В. асосий ғояси:

Технологик ўзаро боғлиқ иирик ишлаб чиқариш мажмуалари (технологик тизимлар)ни бирин-кетин алмаштириш жараёнини ўтказиш асосида узоқ муддатли техник-иқтисодий ривожланишининг моҳиятини очиб беради. Технологик тизимлар маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасини белгилайди ва базавий инновацияларнинг бутун бошли мажмуасини амалга оширади. Концепция замонавий узоқ муддатли техник-иқтисодий ривожланишнинг инновацион тараққиётга туртки бўладиган олтинчи технологик тизимга ўтишини асослаб беради.

Билимлар ва технологияларни узатиш концепцияси (1980 йиллар охири) Аргот Л., Инграм П.; Маткин Д.; Райсман А.; Грудзинский А.О., Бедный А.Б.; Миндели Л.Е., Казанцев Л.К.; Фонштейн Н. асосий ғояси:

Яратилган билим ва технологияларни турли даражадаги ва характердаги ижтимоий-иқтисодий тизимларга (ташкилотлар, фирмалар, корхоналар, минтақавий, миллий, глобал иқтисодий тизимлар ва бошқалар) узатиш ("ўтказиш")ни таъминловчи ташкилий жараёнлар ва тизимларни тавсифлайди. "Давлат - хусусий сектор" тизимида билимлар трансфери имкониятлари тадқиқ этилади.

Интеллектуал капитал концепцияси (XX асрнинг 90-йиллари ўрталари) Единссон Л.; Мэлоун М. [146] асосий ғояси:

Концепция юқори сифатли интеллектуал капитал (инсон капитали ижодимахсули, номоддий активлар, структуравий капитал) ни шакллантиришга асосланган интеллектуал ташкилот, фирмани иқтисодий асослашни таклиф этади.

"Учлик спирал" концепцияси (XXI аср бошлари) Ицковиц Г.; Лейдесдорф Л. Асосий ғояси:

Инновацион маҳсулотни яратишнинг ҳар бир босқичидаги уч институт (фан (ёки ОТМ) - давлат-бизнес) ўртасидаги ташкилотлараро ўзаро ҳамкорликни

тавсифлайди. Спирал тузилишидагибундай ўзаро ҳамкорликОТМларга бир-бирларининг баъзи бир хусусиятларини қабул қилиш ва қўллаш имконини беради.

"Очиқ инновациялар" концепцияси (2003 й.) Чесбро Г., Кристенсен Д., Олсен М., Хиппел Э, Монастирний ЕА, Грик Я.Н. асосий ғояси:

Инновацион фаолиятнинг самарадорлигикўп жиҳатдан инновацион жараённинг барча иштирокчилари ўртасидагиўзаро мулоқот ва ҳамкорликнинг ўсиши ҳисобига кучаяди.

Инновацион университет (ОТМ) концепцияси, (2000 - йиллар) Асаул А.Н., Капаров Б.М., Владимиров А.И. асосий ғояси:

Концепция ОТМлар талабалари ва ўқитувчилари муҳитидаги интеллектуал салоҳият ва новаторлик фазилатларни ўллаган ҳолда ОТМлар фаолияти рўйхатида инновацион таркибий қисм сифатида ўқув фаолияти, илмий-техникавий (илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, технологик ишлар) фаолият, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш зарурияти мавжуд эканлигинитаклиф қиласи ва асослайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Siddikova, S., Juraeva, M., Abrorov, A., & Kuvoncheva, M. (2025). Foreword-VII International Conference on Applied Physics, Information Technologies and Engineering—APITECH-VII 2025. In *EPJ Web of Conferences* (Vol. 321, p. 00001). EDP Sciences.
2. Siddiqova, S. (2024). Dual ta'limdi joriy qilish metodologiyasi va psixologik jihatlari. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 2(12).
3. SIDDIQOVA, S. (2024). ORGANIZATION OF THE EDUCATIONAL PROCESS BASED ON THE INTEGRATION OF SPECIAL SUBJECTS IN DUAL EDUCATION. *News of the NUUz*, 1(1.7), 185-187.
4. Siddiqova, S. (2024). Muhandislar-taraqqiyot tayanchi. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 2(3).
5. Siddiqova, S. G., & Saidjonova, P. S. (2024). ISSUES OF DIGITALIZATION OF MEDICINE IN UZBEKISTAN. *INTERNATIONAL SCIENCES, EDUCATION AND NEW LEARNING TECHNOLOGIES*, 1(4), 168-172.

6. Siddikova, S., Yuldashev, N., Juraeva, M., Abrorov, A., & Kuvoncheva, M. (2024, February). Overview of the V International Conference on Applied Physics, Information Technologies and Engineering-APITECH-V 2023. In *Journal of Physics: Conference Series* (Vol. 2697, No. 1, p. 011001). IOP Publishing.
7. Siddikova, S., Sirojedinov, S., Bakhridinova, N., Zaripova, M., & Juraeva, M. (2024). Increasing oil absorption in bearings as a result of ultrasonic exposure to ultrafine particles. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 471, p. 05021). EDP Sciences.
8. Siddikova, S. G. (2019). Using New Generation Electronic Educational Resources in Teaching Special Disciplines at Professional Colleges. *Eastern European Scientific Journal*, (1).
9. Siddikova, S. G. (2019). POSSIBILITIES OF APPLICATION OF MULTIMEDIA IN THE PROCESS OF STUDYING THE DISCIPLINE "TECHNOLOGY OF PROCESSING OIL AND GAS". *Информация и образование: границы коммуникаций*, (11), 72-73.
10. Siddiqova, S. G. (2019). Elektron ta'lif resurslarining yangi avlod: tahlillar, arxitektura, innovatsion sifatlar. *Ta'lif, fan va innovatsiya. Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal*, 1, 91-95.